

РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ФОНД БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ

Холиқулова Фаёза Туйчиевна

Тошкент давлат иқтисодий университетининг магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида фонд бозорларининг ўрни таҳлил қилинган. Фонд бозори ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири борасида хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: фонд бозори, капитали, қимматли қоғозлар бозори, пул, кредит, инвестиция.

ABSTRACT

This article analyzes the role of stock markets in the economic development of developed countries in the world. Conclusions are given regarding the impact of stock market development on economic growth.

Key words: stock market, capital, stock market, money, credit, investment.

КИРИШ

Бугунги кунга келиб иқтисодийда фонд бозори ва унинг воситаларидан фойдаланиш масалалари иқтисодий тизимнинг кўпгина йўналишларида, жумладан ипотекали кредитлашда, илмий сиғими кўп бўлган ишлаб чиқаришда, венчурли молиялаштиришда, суғрута ва пенсия таъминотида ҳамда бошқа соҳаларда кенг йўлга қўйилган. Шунингдек, инвестициялар, ссуда капитали, қимматли қоғозлар бозори ва фонд бозорининг моҳияти, хусусиятлари иқтисодийдаги роли ҳамда муаммоларига оид илмий-назарий ва услубий масалалар классик ва замонавий иқтисодий мактаб вакиллари, иқтисодчи олимлар ҳамда мутахассиларнинг кўплаб илмий тадқиқотларида ўзига хос тарзда тадқиқ қилинганлиги бугунги кунда барча мутахассисларга маълум. Фонд бозори қимматли қоғозлар бозорининг таркибий қисми сифатида нафақат иқтисодий сиёсатнинг элементларидан бири, балки бозор иқтисодиёти шароитида бир қатор иқтисодий йўналишларни ўзида умумлаштирувчи муҳим ва ўзига хос элементи бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир мамлакат иқтисодиётида ўзаро мутаносибликни, барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда фонд бозоридан ҳамда инвестициялардан фаол фойдаланади. Шунингдек, фонд бозори давлат иқтисодий сиёсатининг устувор мақсадларига эришишда кулай шарт-шароитлар яратади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Фонд бозорининг иқтисодий ўсишга таъсири масаласини ўрганишга оид кўплаб илмий ишлар амалга оширилган. Ушбу соҳага энг катта илмий ва амалий кизиқишни рус ва ғарбий европалик олимлар тадқиқотларида учратиш мумкин. Жумладан, Р. Барр, М. Грегори каби олимлар ушбу соҳага оид китоб ва дарсликлар ёзиб қолдирдилар ¹. Бундан ташқари Г.О. Калашников, Т. Д. Аиткулов каби олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар ҳам мазкур масалани аниқ ва батафсил тушунишда ёрдам беради ².

ТАДҚИКОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Фонд бозорининг иқтисодий ўсишга таъсири масалаларининг аҳамияти масаласига қаратилган мазкур мақолада қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, аналогик таҳлил, абстракциялаштириш каби илмий методлардан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юз берганидан ўтган сўнгги саккиз йил давомида дунё мамлакатларида амалга оширилган инқирозга қарши изчил чоралар ҳамда қатъий ислохотлар натижасида иқтисодий ва инвестицион фаоллик кучайди, халқаро фонд бозорлари индекси инқироздан олдинги даражадан ҳам юқори даражага кўтарилди, инфляция суръатлари пасайди ва пировардида иқтисодий ўсишга эришилди.

Бугунги кунда кўпчилик давлатларда иқтисодий ўсишга эришилган бўлсада, айни пайтда дунё иқтисодиётида ишсизлик даражаси, тўлов баланси, бюджет тақчиллиги ва ташқи қарзларнинг ўсиши каби жиддий ва мураккаб макроиқтисодий муаммолар сақланиб қолмоқда. Ушбу жиддий муаммоларни бартараф этишда дунё иқтисодиётида макроиқтисодий, шу жумладан монетар ва фискал сиёсат билан бирга фонд бозори ҳамда инвестициялар самарадорлигини кескин ошириш тақозо этилмоқда. Жумладан, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишини таъминлашда фонд бозорининг аҳамияти юқори даражада эканлигини тажрибалар кўрсатиб бермоқда. Айни пайтда дунё иқтисодиётида ўз ечимини тўлиқ топмаган ишсизлик даражаси, тўлов баланси, бюджет тақчиллиги ва ташқи қарзларнинг ўсиши каби макроиқтисодий муаммолар сақланиб қолмоқда. Ушбу жиддий муаммоларни бартараф этишда дунё иқтисодиётида макроиқтисодий сиёсат

¹ Барр Р. Политическая экономия. Т.-М. Международные отношения, 1995, С.319; М. Грегори. Принципы экономики. – СПб.: Питер Кем., 1999, С.538.

² Т. Д. Аиткулов. Правовое регулирование слияния и присоединения акционерных обществ по законодательству России и Германии: Автореф...Дисс. канд. юрид. наук: 12.00.03. – М, 2001. – 24 с; Г.О. Калашников Слияние и поглощение акционерных обществ по праву ЕС: Автореф... дисс.канд. юрид. наук: 12.00.03. – М, 2011

билан бирга фонд бозори ва инвестициялар самарадорлигини кескин ошириш тақозо этилади. Жумладан, 2016 йилнинг август ойида Евроҳудудда ишсизлар сони 10,1 фоизни ташкил этган бўлса, Грецияда 23,2 фоизни, Испанияда 19,5 фоизни, Францияда 10,5 фоизни, Бразилияда 11,8 фоизни, Мисрда 12,5 фоизни, Белгияда 8,2 фоизни, Туркияда 10,7 фоизни, Аргентинада 9,6 фоизни, Колумбияда 8,5 фоизни, Канадада 7,0 фоизни, Польшада, 8,3 фоизни, Венесуэллада 7,3 фоизни, Италияда, 11,4 фоизни, Жанубий Африкада 26, 6 фоизни ташкил этди³.

Таъкидлаш жоизки, фонд бозори ва инвестициялар давлатнинг ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол, жамғариш, экспорт ва импорт соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларида муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида, фонд бозорида жамланган маблағлар давлатнинг институционал, таркибий, инвестициявий, фискал, пул-кредит, иқтисодий, ижтимоий, ташқи иқтисодий, илмий-техникавий йўналишларидаги чора-тадбирларни амалга оширишда кенг фойдаланилади. Фонд бозорининг моҳияти, хусусиятлари, назарий ва услубий масалаларига ўз фикримизни ва назарий қарашларимизни баён этиш мақсадида мақоламиз ҳажмининг чеклангалигини инобатга олиб, фонд бозорига берилган илмий таърифлар ва фикр-мулоҳазаларга қисқача тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ кўрдик.

Халқаро амалиётда “фонд бозори”га нисбатан берилган илмий таърифлар борасида турлича талқинлар мавжуд бўлиб, улар бир-биридан фарқланади ва ягона ёндашувни ташкил этмайди. Шу сабабли, фонд бозори ва қимматли қўғозлар бозори борасида иқтисодчи олимлар ўртасида баҳсли масалалар ҳанузгача давом этаётган бўлсада, хорижлик иқтисодчи олимларнинг берган илмий таърифлари ва фикрлари ҳам қизиқарли бўлиб, уларнинг айримларини тадқиқ этишни лозим топдик.

Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан Раймон Барр фонд бозорига қуйидагича таъриф беради. “Фонд бозори техник институт сифатида бўш пул маблағларини қайта тақсимлаш функциясини бажаради, мулк ҳуқуқига боҳо беради, рискларни қайта тақсимлайди, ишчи айланмасида иштирокчилар ўртасида маълумотларни қайта тақсимлайди. Шу боис фонд бозори дейилганда жамғармаларни йиғувчи ва бир жойга жамловчи узок муддатли бўш турган капиталлар бозори тушунилади. Ушбу маблағлар узок муддатга тегишли тармоқларга йўналтирилади”.

Раймон Барр фонд бозорини аввало, техник институт сифатида кўради, уни бўш пул маблағларини, рискларни ва маълумотларни иштирокчилар ўртасида

³ Барр Р. Политическая экономия. Т.-М. Международные отношения, 1995, С.319

қайта тақсимлашини эътироф этади ҳамда уни жамғармаларни йиғувчи ва бир жойга жамловчи узоқ муддатли бўш турган капиталлар бозори сифатида тушунади. Ўз навбатида, ушбу маблағлар узоқ муддатга тегишли тармоқларга йўналтирилишини айтади.

Хусусан, хорижлик замонавий ва таниқли иқтисодчи олимлардан бири Грэгори Менкью шундай таъриф беради. “Кўп ҳолларда фонд бозорига оид шундай таъриф тез-тез учрайди, яъни у хохловчи шахсларга жамғарма қилиш, акция ва облигация бозорида ўз маблағларини қарздорларга бериш имконини берувчи молиявий муассалар йиғиндисидир”.

Замонавий бозор муносабатлари шароитида фонд бозорининг шаклланиши пул капитали салмоғининг ва ролининг ўсиши, ссуда капиталининг ва кредит муносабатларининг ривожланиши, капиталнинг чекланиши ва эркин ҳаракатланиши жараёнида юзага келадиган қарама- қаршиликларни ҳал этиш билан бошланади. Ўз навбатида, хорижлик иқтисодчи олимларнинг ссуда капиталига оид илмий таърифлари ҳам қизиқарли. Жумладан, иқтисодчи Н.Б.Лазерева бу борада шундай дейди: “Ссуда капитали юқорида қайд этилган барча талабларга мос келади, у капиталнинг ҳаракати ва сокинлиги ўртасидаги қарама- қаршиликларни ҳал этиш шакли сифатида пайдо бўлган”⁴.

Мазкур таърифда хорижлик иқтисодчи Н.Б.Лазерева ссуда капиталига ўзига хос тарзда таъриф берган. Хусусан, уни капиталнинг ҳаракати билан бевосита боғлаган ҳолда, капиталнинг ҳар қандай ҳаракати ва бўш турган пайтдаги, яъни сокинлиги ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш шакли сифатида пайдо бўлган, дея эътироф этади. Жаҳон мамлакатларида қимматли қоғозлар бозори иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланса, фонд бозори эса унинг зарурий бўғинидир. Жаҳон фонд бозори савдо ҳажми 2017 йилда жами 65,6 трлн. АҚШ долларини ташкил этиб, унда асосий улушни АҚШ 36,3 % (23,8), Хитой 10,1 % (6,6), Япония 7,9 % (5,2) Гонг Конг 6,3 % (4,1) Буюк Британия 4,6 % (3,0) каби мамлакатлар эгаллаб турибди. Жаҳонда ушбу бозор инфратузилмасини шакллантириш бўйича етакчи ҳисобланган, юқорида санаб ўтилган ва Канада, Франция, Германия, Ҳиндистон, Швейцария каби 10 та мамлакатнинг улуши 51,4 фоизни ташкил этганлиги Ўзбекистонда ҳам фонд бозори инфратузилмасини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда фонд бозори юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини инвестицияларга йўналтиради ва иқтисодиётнинг барча тармоқларига трансформацияланишига имконият яратади. Ўзбекистонда

⁴ Лазерева Н.Б. Фондовый рынок (Вопросы методологии и теории). -М.,2004, С.12-16.

қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорлари бўйича барча операциялар фонд биржаси электрон савдо тизими ҳамда уюшган ва уюшмаган савдо тизими орқали амалга оширилувчи инфратузилма шакллантирилди. Бироқ, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини тўла ишга тушириш, фонд биржасида акциялар қийматини мунтазам эълон қилиб бориш, аҳолида акциялар сотиб олишга иштиёқи ва интилишини ошириш, акцияларнинг ҳақиқий қимматли қоғозга айлантириш ҳамда акциядорлар учун муҳим даромад манбаи бўлиши таъминланмаганлиги, фонд бозори инфратузилмаси фаолияти самарали йўлга қўйилмаганлиги фонд бозорини ривожланиш имконини бермаяпти. Шунингдек, мамлакатда фонд бозори инфратузилмасининг иқтисодиётдаги роли паст бўлиб, давлатнинг макроиқтисодий ва фаол инвестиция сиёсати талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Чунки, фонд бозори ривожланган мамлакатлардагидек, ўзининг бош функцияси – юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш пул маблағларини инвестицияларга йўналтириш, яъни, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида узоқ муддатли инвестицияларни жалб қила олмаяпти. Ушбу ҳолатлар Ўзбекистонда фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. Жаҳон банки ва ХВФ мутахассислари томонидан турли йилларда иқтисодий ўсиш муаммоларининг батафсил ўрганишлари фонд бозорларининг ривожланиш даражаси иқтисодий ўсишга бевосита таъсир қилишини кўрсатди. 2021 йил сентябрь бошида Хитой раиси Си Сзинпин Хитойда Пекин фонд биржасини ташкил этиш режасини эълон қилди ҳамда янги савдо майдончаси акциядорлик жамияти сифатида рўйхатга олинди. Шундай қилиб, расман социалистик давлат деб эълон қилинган коммунистик Хитой аллақачон мамлакатда учинчи фонд биржасини ишга туширмоқда - қолган иккитаси Шанхай ва Шенчженда муваффақиятли ишламоқда.

REFERENCES

1. The Economist, November 5th 2016, page 89 маълумотлари.
2. The Economist, November 5th 2016, page 88 маълумотлари.
3. Барр Р. Политическая экономия. Т.-М. Международные отношения, 1995, С.319
4. М. Грегори. Принципы экономикс. – СПб.: Питер Кем., 1999, С.538.
5. Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс. – М: Инфра М, 2003, С.62.
6. Лазарева Н.Б. Фондовый рынок (Вопросы методологии и теории). -М., 2004, С.12-16.